O’zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

2018 yil “30” апрель № 237 Guliston sh.

Шаҳарлар, туманлар марказлари ва бошқа аҳоли пунктларида тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

Гулистон шаҳрида режалаштирилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши баробарида аҳоли сайр ва томоша қилиши, дам олиб ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратилди. Қисқа муддатда янги “Хотира” майдони, “Билимдонлар маскани”, Тўра Сулаймон номидаги ёзги амфитеатр, “Юрт Байроғи” майдони барпо этилганлиги аҳолининг олиб борилаётган ислоҳотлар яратувчанлигига ишончини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди.

Сайр қилиш, дам олиб ҳордиқ чиқариш ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш масканларида бўлишда риоя қилиниши талаб этиладиган, тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларини белгилаш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаси ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўрисида”ги Қонунининг 6, 14-моддасига мувофиқ, **қарор қиламан:**

1. Шаҳарлар, туманлар марказлари ва бошқа аҳоли пунктларида тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж.Ибрахимов, Гулистон шаҳар ҳокимлиги (Ш.Исматуллаев) марказда қурилган умумфойдаланиш объектлари (янги “Хотира” майдони, “Билимдонлар маскани”, Т. Сулаймон номидаги ёзги амфитеатр, “Юрт Байроғи” майдони, мусиқали драма театри атрофида қурилган бино-иншоотлар, улардаги товар-моддий қимматликлар, жумладан экилган дарахт, бута ва гул кўчатлари, ўрнатилган ўриндиқлар, ахлат ташлаш қутилари) тегишли ташкилотлар томонидан балансга қабул қилинишини, ҳисоби юритилишини ва моддий жавобгар шахслар бириктирилиб, сақланишини ташкиллаштирсин, натижаси ҳақида бир ой муддатда ахборот киритсин.

3. Гулистон шаҳар ҳокимлиги (Ш.Исматуллаев) мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Гулистон шаҳри марказидаги аҳоли сайр ва томоша қиладиган, дам олиб ҳордиқ чиқарадиган ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган масканларда тозалик ва санитария тартибига риоя қилиниши таъминланишига, экилган дарахт, бута, гул кўчатлари ва униб чиққан майсаларнинг пайҳон қилиниши, бино-иншоот ва бошқа товар-моддий қимматликларга шикаст етказилишининг олди олиниши чоралари кўриб борилишига масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят ички ишлар органлари (М.Жўраев) аҳоли дам оладиган масканлар ва бошқа жамоат жойларида экинларни пайҳон қилиш, дарахт, бута, гул ва майсаларга ҳамда бино-иншоот ва бошқа товар-моддий қимматликларга шикаст етказиш, ўғирлаш ҳолатлари ўз вақтида аниқланиб, айбдор шахсларга қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилишини таъминлаб борсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари О.Абдуғаниев, И.Мўминов, Д.Уролова Гулистон шаҳар ҳокимлиги (Ш.Исматуллаев), вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси (Ж.Қосимов), вилоят телерадиокомпанияси (З.Дархонов), вилоятдаги босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (Ў.Абдиев), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (С.Қудратов), Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги (М.Усмонов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (Ш.Зайниддинов), Гулистон давлат университети (М.Ходжиев), вилоят халқ таълими бошқармаси (А.Абдурахмонов), вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси (А.Хожимуратов) билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса ёшларга жамоат жойларида бўлиш одобини сингдириш, тозалик ва санитария қоидаларига риоя қилиш, дарахт, бута, гул ва майсаларга ҳамда бино-иншоот ва бошқа товар-моддий қимматликларга шикаст етказмасликка, талон-тарож қилмасликка, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшишга тарғиб қилишда фаол иштирок этсин.

6. Вилоят ҳокимлиги девонхонаси (Ш.Норматов) мазкур қарор электрон шаклда бир кунлик муддатда туманлар, шаҳарлар ҳокимликларига, тегишли давлат органлари ва ташкилотларига (рўйхат асосида) етказилишини, “Сирдарё ҳақиқати” газетасининг келгуси сонида чоп этилишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ташкиллаштирсин.

7. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари мазкур қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказсин.

8. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими **Г. Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGINING MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM №2